

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.1.23.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ  
ХУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА  
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

**ЭРГАШЕВ ЖАХОНГИР ЖАМОЛИДДИН ЎҒЛИ**

**РАҲБАР ХОДИМЛАР БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 - Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим  
наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Economical  
Sciences**

**Эргашев Жахонгир Жамолиддин ўғли**

Рахбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш

механизмини такомиллаштириш .....3

**Эргашев Жахонгир Жамолиддин угли**

Совершенствование механизма оценки эффективности управленческой

деятельности руководителей .....27

**Ergashev Jakhongir Jamoliddin ugli**

Improving the mechanism for assessing the effectiveness of management

activities of managers.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works .....56**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ  
ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА  
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

**ЭРГАШЕВ ЖАХОНГИР ЖАМОЛИДДИН ЎҒЛИ**

**РАҲБАР ХОДИМЛАР БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 - Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Ўқт1071 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.dba.uz](http://www.dba.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Қаххоров Аваз Жамолович**  
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Такризчилар:** **Насимов Дилмурод Абдуллаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор  
**Йўлдошев Нуриддин Қурбанович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.1.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел. (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел. (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(20\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.Ш.Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**А.Х.Холов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Д.Н.Раҳимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёни ва рақобат муҳитининг тобора чуқурлашиб бориши шароитида инсон капитали моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан бир қаторда, ходимлар, айниқса раҳбар ходимлар фаолияти натижадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. *Garvard Business Review* тадқиқот маркази томонидан энг яхши баҳолаш ва рағбатлантириш механизмларини аниқлаш учун ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, «хар бир компанияда ходимларнинг ўртача 5 фоизи доимий равишда юқори даражада самарали фаолият олиб борса, 5-7 фоиз ходимлар эса, доимий равишда, қониқарсиз фаолият юритади, қолган 88 фоиз ходим ташкилотнинг мақсади, вазифаларини тўғри ва самарали бажариши учун мажбурий назорат талаб қилинади»<sup>1</sup>. Бугунги кунда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар таракқиётида инсон капитали муҳим омил сифатида фаолият, айниқса, бошқарув ходимлари фаолияти самарадорлиги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда кадрлар, айниқса, раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда улар фаолияти давомида, жами бошқарув фаолиятини комплекс қамраб олиш, ўз-ўзини баҳолаш каби замонавий баҳолашнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада раҳбар ходимлар меҳнати самарадорлигини баҳолашнинг аниқлик даражасини ошириш, фаолият натижаларига кўра, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, фаолиятни стратегик мақсадларга кўра ташкил этиш ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ностандарт вазиятларда бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда кадрлар соҳасида амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар шароитида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбар ходимларининг захирасини шакллантириш, раҳбарлик бошқарув компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш, улар фаолияти натижадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли услубий ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ўлчанадиган индикаторлари (энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари) тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантириш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда иқтисодий

<sup>1</sup> Global Human Capital Trends 2014: Engaging the 21st-century workforce // <https://www.deloitte.com>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 03.10.2019 йилдаги ПФ-5843-сон // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 06/21/6256/0636-сон.

жихатдан раҳбар ходимлар фаолият самарадорлигини баҳолашнинг ёндашув ва усуллари, мезонлари ва кўрсаткичларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни устувор даражада амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сон «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон «Вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг илмий-назарий жиҳатлари бўйича кўплаб хорижлик олимлар П. Друкер, М. Мескон, Ф. Тейлор, П. Б. Мидлер, Г. Г. Руденко, С. Уиддет, С. Холлнфорд, А. М. Шнайдерман, Р. С. Каплан, Д. П. Нортонлар<sup>3</sup> тадқиқотлар олиб борган. Улар томонидан яратилган илмий асарларда раҳбар ходимларнинг бошқарув самарадорлиги ва уни баҳолашга классик ёндашувлар кенг ёритиб берилган.

МДХ олимлари А. К. Клочков, Ю. Г. Одегов, Л. Р. Котов, А. В. Гагаринский, И. Гушин, Г. В. Погодин, А. В. Горбачов, О. Ю. Калмиков, Г. П. Гагаринский, Р. А. Толмачов, Е. В. Шелгов, С. Г. Филимонов<sup>4</sup> каби олимлар ўзларининг илмий тадқиқот ва асарларида

<sup>3</sup> Друкер П. Эффективный руководитель / О. Чернявская, перевод на русский язык, 2012; Мескон М.Х. Основы менеджмента / М.Х. Мескон, М. Альберт, Ф. Хедоури. - М.: Дело, 2005. (3); Тейлор Ф. Принципы научного управления. - М., 1990. (3); Мидлер П.Б. Оценка в системе управления персоналом организации / П.Б. Мидлер, Г.Г. Руденко. - М., 2004.; Уиддет С., Холлнфорд С. Руководство по компетенциям: пер. с англ. - М.: НИРО, 2003.; Schneiderman А.М. Why Balanced Scorecards fail // Journal of Strategic Performance Measurement. - 1999. - Special Edition. - P. 7.; Каплан Роберт С., Нортон Дейвид П. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию: пер. с англ. 2-е изд., испр. и доп. - М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2005. (2);

<sup>4</sup> Клочков А.К. КРІ и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов. – М.: ЭКСМО, 2010. – 99 с.; Одегов Ю.Г., Абдурахманова К.Х., Котова Л.Р. Оценка эффективной работы с персоналом: методологический подход: учебнопрактическое пособие. – М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2011. – 752 с.; Гагаринский А.В. Система показателей оценки человеческого капитала организации [Текст] / А.В. Гагаринский, В.Г. Семенов // Вестник Поволжского государственного университета сервиса. Серия «Экономика». - Тольятти: Изд-во ПВГУС, 2013. № 4 (24) С. 67-71. 0,4/0,2 печ. л.; Гущина И. Трудовая мотивация как фактор повышения эффективности труда // Общество и экономика. 2000. № 1. - С. 168-174.; Погодина Г.В. Инструменты оценки качества знаний (персонала) // Справочник по управлению персоналом.

рахбар ходимлар фаолият самарадорлигини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этган.

Ўзбекистонлик олимлар: Қ. Х. Абдурахмонов, Д. С. Қосимова, Н. Қ. Йўлдошев, М. Шарифхўжаев, Ё. А. Абдуллаев, М. А. Икрамов, Д. Н. Раҳимова, Ш. Н. Зайнутдинов, Ш. Р. Холмўминов, Р. И. Нуриббетов, Г. К. Абдурахмонова, О. Қ. Абдурахмонов, А. Холлов<sup>5</sup> ва бошқалар бошқарув самарадорлиги, маҳаллий бошқарув кадрлари фаолиятининг натижаларини баҳолаш, рахбар фаолияти самарадорлиги ва уни баҳолаш усулларининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишган.

Аммо юқоридаги олимларнинг илмий изланишлари рахбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий-услубий асосларини ёритишда муҳим илмий манбалар бўлиб хизмат қилса-да, давлат органлари ва ташкилотларида фаолият олиб бораётган рахбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш, уларнинг фаолиятини баҳолаш жараёнига замонавий услубларни жорий этиш орқали баҳолаш механизмларини такомиллаштириш масалалари етарлича ўрганилмаган. Бу эса ўз навбатида, тадқиқотимиз йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича №ПЗ20170927486 «Ёш рахбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини аниқлаш ва мансаб поғоналарида ўсиш истиқболини белгилаш технологиялари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** рахбар ходимлар бошқарув фаолияти

---

- М., 2005. №2.; Формирование потенциала индивидуально-личностных качеств менеджера как аспект профессионализации управленческой деятельности: учеб. пособ. / А.В. Горбачева, О.Ю. Калмыкова, Г.П. Гагаринская. Самара: НОУ «ПИБ»; ГОУ ВПО «СамГТУ», 2004. 264 с.; Р.А.Толмачов. Повышение эффективности оценки трудовой деятельности руководителей коммерческих компаний. // Диссертация. 2005. Москва.; Е.В.Шелгова. Совершенствование оценки эффективности служебной деятельности руководителя органа внутренних дел. //диссертация. 2002. - Санкт-Петербург.

<sup>5</sup> Холмўминов Ш.Р. Маҳаллий бошқарув кадрлари менежменти. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, –Т.: 2004.; Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б., Акбаров. А. М. Ходимларни бошқариш. Дарслик - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005, 240б.; Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б., Акбаров.А.М. Персонални бошқариш. Дарслик-Т.: «Иқтисодиёт» нашриёти, 2014. – 337 б.; Фуломов С. Менежмент асослари. – Т.: Шарқ, 2002; Шарифхўжаев М., Ё.Абдуллаев Менежмент. –Т.: Ўқитувчи, 2001. 704б.; Корпоратив бошқарувда стратегик менежмент самарадорлигини ошириш йўллари(Монография) –Т.: «Фан ва технологиялар» 2010.; Зайнутдинов Ш.Н., Нуриббетов Р.И. Персонални бошқариш. Дарслик. – Т.: «Янги йўл полиграф сервис», 2007. – 320 б.; Йўлдошев Н.Қ. Стратегик менежмент. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013. – 140 б.; Раҳимова Д.Н., Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009.; Икрамов М.А., Кўчқоров А.Х. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. –Т., 2005 й.; Абдурахмонова Г.Қ. Инсон ресурсларини бошқариш. Дарслик – Т.: Ўз.Р.ФА. «Фан» нашриёти ДК. 2021. – Б-692. Д.С.Қосимова. Менежмент назарияси. Дарслик. – Т., 2011.; Тафаккур бўстони. –Б. 33б.; Абдурахманов О. Қ. Формирование комплексной системы управления охранной труда и ее эффективность. Диссертация.Т.

самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

бошқарув фаолияти самарадорлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ҳамда раҳбар ходимлар фаолият самарадорлигини баҳолашга бўлган ёндашувларни тадқиқ этиш;

раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашда хориж тажрибасини тадқиқ этиб, мамлакатимизга мос жиҳатларини аниқлаш; ташкилотда раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятини баҳолаш механизмининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмига таъсир этувчи салбий омилларни аниқлаш;

ташкилотда раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш имкониятларини аниқлаш;

раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолашда рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш;

раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятининг «энг муҳим самарадорлик кўрсаткич»ларини (функцияли ёндашув асосида) ишлаб чиқиш орқали баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги раҳбар ходимлари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизми ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида таҳлил ва синтез, қиёсий таққослаш, эксперт баҳолаш, ижтимоий сўров ўтказиш, SWOT таҳлил каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

услубий ёндашувга кўра, «KPI» баҳолаш усули иқтисодий жиҳатдан, стратегик вазифалар белгисига кўра, ёшлар ташкилоти тизими раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда мавжуд усулларга («уч юз олтмиш даража», «мақсадлар бошқаруви», «smart», «фаолият даври давомида баҳолаш», «фаолиятни баҳолаш», «ўз-ўзини баҳолаш» ва б.) нисбатан самарали экани асослаб берилган;

раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини KPI услуги функцияли баҳолаш ёндашуви иқтисодий мезонларга кўра, Агентлик марказий аппарати раҳбар ходимларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (257 та) ижроси «аъло» (100% ва ундан юқори), «яхши» (91-99%), «қониқарли» (71-90%) ва қониқарсиз» (55-70%) ёндашуви асосида такомиллаштирилган, уни амалга оширишнинг алгоритми таклиф этилган;

Ёшлар ишлари агентлиги тизими раҳбар ходимларининг бошқарув фаолиятини комплекс баҳолашни, жумладан баҳолаш жараёни билан боғлиқ

юқори харажатларни камайтириш негизида иқтисодий самарадорликни ошириш ва баҳолаш жараёнини рақамлаштириш модели бўйича таклифлар Ёшлар ишлари агентлигининг «2022 йилда амалга ошириладиган тадбирлари» таркибига киритилган;

ташкilotнинг стратегик мақсадлари ва белгиланган устувор вазифалари асносида раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятини баҳолаш механизми «самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари»ни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

раҳбар ходимлар фаолият самарадорлигини баҳолашда ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан Ўзбекистондаги давлат органлари ва ташкilotларида фойдаланиш йўллари таклиф этилган;

раҳбар ходимлар фаолият самарадорлигини муносиб рағбатлантиришда «қўшимча устама» (мукофот пули), «лавозимда ўсиш» ҳамда «малака ошириш» (семинар, тренинг, хорижда малака ошириш) рағбат турлари улар учун энг юқори муҳимлик даражасида эканлиги эксперт баҳолаш модели орқали илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг тадқиқот мақсадига мувофиқлиги, статистик маълумотлар расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ёшлар ишлари агентлиги маълумотларидан олинганлиги, таклиф ва тавсиялар амалиётда синовдан ўтказилиб, жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштиришда, Ёшлар ишлари агентлиги тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар ходимлар самарадорлигини баҳолаш механизми ривожланишининг концептуал асослари, усул, восита ва моделларини ҳамда раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф ва тавсиялардан давлат органлари ва ташкilotларида раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашда, бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ўқув адабиётларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асносида:

услубий ёндашувга кўра «КРІ» усули иқтисодий жиҳатдан стратегик

вазифалар белгисига кўра ёшлар ташкилоти тизими раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда мавжуд усулларга («уч юз олтмиш даража», «мақсадлар бошқаруви», «SMART» ва б.) нисбатан самарали эканлиги бўйича таклифдан Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятида раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 27 августдаги 3-02-21-2180-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши натижасида ёшлар ҳудудий ва тегишли ташкилотларида тегишли тадбирларнинг стратегик мақсадларига кўра, узвий равишда ташкил қилиниши натижасида белгиланган мақсадларнинг амалга оширилиши билан бир қаторда, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга хизмат қилган;

раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини КРІ услуги функцияли баҳолаш ёндашуви, иқтисодий мезонларга кўра, Агентлик марказий аппарати раҳбар ходимларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (257 та) ижросини «аъло» (100% ва ундан юқори), «яхши» (91-99%), «қониқарли» (71-90%) қониқарсиз» (55-70%) ёндашуви асосида такомиллаштириш ва амалга оширишнинг алгоритми бўйича таклифлар Ёшлар ишлари агентлигининг «2022 йилда амалга ошириладиган тадбирлари» таркибида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 27 августдаги 3-02-21-2180-сон маълумотномаси). Таклифлар, жумладан тизимдаги раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашда улар фаолияти натижаларини иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини таъминлашга, фаолият самарадорлигини оширишга ва мавжуд молиявий-иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга хизмат қилган;

Ёшлар ишлари агентлиги тизими раҳбар ходимларининг бошқарув фаолиятини комплекс баҳолашни, жумладан, баҳолаш жараёни билан боғлиқ юқори харажатларни камайтириш негизида иқтисодий самарадорликни ошириш ва баҳолаш жараёнини рақамлаштириш модели бўйича таклифлар Ёшлар ишлари агентлигининг «2022 йилда амалга ошириладиган тадбирлари» таркибига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 27 августдаги 3-02-21-2180-сон маълумотномаси). Таклифлар, жумладан, рақамлаштириш модели асосида Агентлик раҳбар ходимлари фаолият самарадорлигини комплекс баҳолаш орқали баҳолаш вақти ва харажатларини камайтириш, баҳолаш шаффофлиги ва таъсирчанлигини янада оширишга қўшимча имкониятлар яратган;

ташкилотнинг стратегик мақсадлари ва белгиланган устувор вазифалари (функцияли ёндашув) асосида раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятини баҳолаш механизми «самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари»ни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 27 августдаги 3-02-21-2180-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган кўрсаткичлар асосида

агентлик раҳбар ходимларининг стратегик мақсад ва белгиланган устувор вазифаларга эришиш самарадорлигини 7 фоизга оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилиб, маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар, шундан, 5 та ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда, 2 та халқаро журналларда, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза тезислари чоп қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 149 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган ҳамда республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилиниб, тадқиқот усуллари очиб берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши ҳамда апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Раҳбар ходимлар бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг назарий-услубий асослари**» деб номланиб, унда бошқарув фаолияти самарадорлиги ва уни баҳолаш тушунчаларининг мазмун-моҳияти, раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашга бўлган ёндашувлар ва хориж тажрибаси тадқиқ этилган. Шунингдек, тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, «самарадорлик», «бошқарув фаолияти», «бошқарув фаолияти самарадорлиги ва уни баҳолаш» каби тушунчаларнинг шаклланиш эволюцияси ҳамда назарий жиҳатлари тизимлаштирилиб, муаллифнинг илмий қарашлари баён қилинган.

Тадқиқотда «самарадорлик», «бошқарув фаолияти», «бошқарув фаолияти самарадорлиги ва уни баҳолаш» тушунчаларига оид изоҳли луғатлардаги, етук хорижлик ва маҳаллий олимларнинг илмий қарашлари ўрганилган.

Жумладан, халқаро сифат сертификати<sup>6</sup> да «самарадорлик» ҳамда «натижадорлик» атамаларига куйидагича таъриф келтирилган: самарадорлик (efficiency) олинган натижа ва фойдаланилган ресурслар ўртасидаги нисбат тарзида, натижадорлик эса (effectiveness), режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш ҳамда режалаштирилган натижаларга эришиш даражаси сифатида талқин этилган.

«Самарадорлик» тушунчаси жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан ҳам талқин этилган. Питер Друкер ўзининг «Менежмент энциклопедия»да самарадорликни 2 хил нуқтаи назардан таърифлайди. Тежамкорлик нуқтаи назаридан «самарадорлик» – ишни тўғри бажариш жараёнидир. Натижадорлик нуқтаи назаридан «самарадорлик» – тўғри ишларни бажаришдир<sup>7</sup> дея таърифлаган.

Друкернинг фикрларини янада кенг таҳлил қилиш ва мазмун-моҳиятини самарадорликдаги «натижадорлик» ва «тежамкорлик» тушунчалари ўртасидаги боғлиқликни 1-жадвалда келтирилган матрица орқали кўришимиз мумкин.

### 1-жадвал

#### «Натижадорлик» (effectiveness) ва «тежамкорлик» (efficiency)ни баҳолаш мезонлари матрицаси<sup>8</sup>

Тегишли мақсад ва харакаглари тўғри белгилаш / харакаглари тўғри амалга ошириш	<b>Натижадор (Effective)</b>	тўғри мақсадни белгилаш ва унга эришиш, аммо иқтисодий самарадорликка эришмаслик (самарасиз), чунки уни амалга ошириш харажатлари жуда юқори	тўғри белгиланган мақсадга ва иқтисодий самарадорликка эришиш (натижадорлик ва тежамкорликнинг энг юқори даражаси, high-ROI <sup>9</sup> , cost-efficient)
	<b>Натижасиз (Ineffective)</b>	нотўғри мақсад кўйиш, унинг муваффақиятсизлиги ва иқтисодий самарадорликнинг йўқлиги (юқори харажатлар билан паст натижадорлик)	нотўғри белгиланган мақсадга эришиш, иқтисодий самарадорлик билан (паст натижадорлик, аммо паст харажатлар)
		<b>Нотежамкор (Inefficient)</b>	<b>Тежамкор (Efficient)</b>
<b>Ресурслардан фойдаланиш / харакатларни тўғри амалга ошириш</b>			

Юқоридаги жадвалдан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бошқарув фаолиятида «самарадорлик» ва «натижадорлик» тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, бошқарув фаолияти ҳам самарадор, ҳам натижадор бўлиши керак.

Тадқиқот жараёнида «бошқарув самарадорлиги» тушунчасига менежмент илмий мактаблари (илмий менежмент, маъмурий (классик), инсон муносабатлари) ва замонавий менежмент (New Public Management

<sup>6</sup> ГОСТ Р ИСО 9000:2015. Системы менеджмента качества. Основные положения и словарь (см. ISO 9000:2015 «Quality management systems - Fundamentals and vocabulary»).

<sup>7</sup> Друкер П.Ф. («Энциклопедия менеджмента»): «Efficiency is doing things right; effectiveness is doing the right things». «Efficiency» (экономичность) помогает «делать вещи правильно», а второе – «effectiveness» (результативность) – «делать правильные вещи».

<sup>8</sup> The difference between effectiveness and efficiency explained. URL: <http://www.insightsquared.com/2013/08/effectiveness-vs-efficiency-whats-the-difference>.

<sup>9</sup> ROI - Return on investment.

(NPM)) мактаблари ҳамда уларнинг намоёндалари томонидан ишлаб чиқилган турли даражадаги ёндашувлар таҳлил қилинган. Илмий мактаблар бошқарув самарадорлигини «ишлаб чиқариш», «бутун ташкилот фаолияти» даражасида ҳамда «инсон омилини» бошқарув самарадорлигининг асосий элементи сифатида тадқиқ этишган. Замонавий менежментнинг «New Public Management (NPM)» мактаби вакиллари эса, давлат бошқаруви даражасида самарадорлик ва натижадорликни таъминлайдиган илғор бошқарув тажрибаларидан фойдаланишни таклиф этишган.

Бошқарув фаолияти самарадорлигини турли усуллар ёрдамида баҳолаш мумкин. Турли хил тадқиқот ва таҳлиллар натижаларига кўра, раҳбар ходимларнинг муваффақиятли ва самарали фаолиятини баҳолашнинг қуйидаги замонавий ёндашувларини кўриш мумкин (1-расм).



### 1-расм. Раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятини баҳолашга бўлган ёндашувлар<sup>10</sup>

Раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятини баҳолашга бўлган ёндашувларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди: раҳбар ходимлар фаолияти кўпқиррали ва мураккаблиги, белгиланган мақсадларга эришишда тўғридан-тўғри иштирок этмаслиги, бироқ белгиланган мақсадларга эришишни таъминлаш раҳбар ходимлардан талаб қилинишини ҳамда эришилган натижага раҳбарнинг шахсан жавобгарлигини ҳисобга олган ҳолда, муаллиф фикрича, бошқарув фаолияти самарадорлиги – бошқарув жамоаси ва бевосита раҳбар ходим бошқарув фаолияти самарадорлиги натижаси билан боғлиқ бўлган жараён деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Юқоридаги таҳлил ва хулосалардан келиб чиқиб, раҳбар ходимлар фаолиятини баҳолашнинг энг самарали ёндашувларидан бири, уларнинг бошқарув фаолият самарадорлигини баҳолаш деган хулосага келиш мумкин.


Тадқиқот ишида раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича хориж тажрибаси ҳам тадқиқ этилган ва мамлакатимиздаги мавжуд ҳолат билан қиёсий таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, хориж тажрибасини ўрганиш орқали шакллантирилган илмий натижаларни мамлакатимизда раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизминини такомиллаштиришда қўллаш юзасидан илмий хулоса ва амалий таклифлар баён қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигининг жорий ҳолати ва баҳолашда замонавий услублардан фойдаланиш имкониятлари**» деб номланган иккинчи бобида ёшлар ташкилотлари тизимидаги раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

самарадорлигини баҳолаш механизмининг мавжуд ҳолати таҳлил қилинган. Бундан ташқари, ижтимоий сўровнома асосида баҳолаш механизми элементи ҳисобланган раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар тадқиқ қилинган. Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланиб, ташкилотда раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларидан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Ҳозирги кунда агентлик ва унинг раҳбар ходимлари бошқарув фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини баҳолаш механизми мавжуд (2-расм).




**2-расм. Агентлик ва унинг раҳбар ходимлари фаолият самарадорлигини баҳолаш механизми<sup>11</sup>**

Бироқ мазкур механизмнинг аниқ баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли уларнинг фаолият самарадорлиги йиллик иш режаларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришлари асосида ярим йиллик иш режалари орқали баҳоланган.

Мазкур баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, Ёшлар ишлари агентлиги тизимида фаолият олиб борган раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларига (2020-2021 йиллар) кўра ҳар йили ўртача 45 нафар раҳбар ходим самарасиз фаолият натижасига кўра ишдан кетган бўлса, 44 нафари самарали фаолият олиб борганлиги сабабли лавозимда ўсишга эришган. Баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, ташкилотда раҳбар ходимларни рағбатлантириш ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар йили ўртача 89 нафар раҳбар ходимлар йилига икки марта моддий рағбатлантирилган бўлса, 19 нафар раҳбар ходим эса, номоддий рағбатлантирилган. Ҳар йили ўртача 12 нафар раҳбар ходимларга нисбатан бошқарув фаолиятида камчиликларга йўл қўйганлиги сабабли турли хил жазо чоралари қўлланилган (3-расм).

<sup>11</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ВМ-550 сон қарори асосида муаллиф томонидан тузилган.



### 3-расм. Ёшлар ишлари агентлиги тизимидаги раҳбар ходимлар фаолият самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича маълумот (2020-2021 йиллар)<sup>12</sup>

Ёшлар ишлари агентлиги тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича муаммоларни аниқлаш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўровномада ( $N=137$  нафар) турли даражадаги раҳбар ходимлар респондент сифатида танлаб олинган ва иштирок этган. Тадқиқот сўровномаси саволларини шакллантиришда агентлик раҳбар ходимлари билан олиб борилган интервью асос сифатида хизмат қилган. Интервью натижалари асосида баҳолаш механизми элементи ҳисобланган раҳбар ходимлар самарадорлигига таъсир этувчи салбий омилларни аниқлаш асосий мақсад сифатида белгилаб олинган. Респондентлардан интервью асосида аниқланган ва танлаб олинган энг салбий омиллар қуйидагича белгилаб олинди:

- $X_1$  – раҳбар салоҳиятининг пастлиги;
- $X_2$  – етарли иш шароитининг мавжуд эмаслиги;
- $X_3$  – қўшимча топшириқларнинг кўплиги;
- $X_4$  – рағбатлантириш мавжуд эмаслиги;
- $X_5$  – иш вақти меъёрларига амал қилмаслик.

Юқоридаги салбий омилларнинг аҳамиятлилик даражасига кўра ажратиш учун 5 баллик (1 дан 5 гача муҳимлик даражасида баҳолаш, яъни 5 - энг муҳим, 4 - нисбатан муҳим, ... 1-муҳим эмас тарзида) Лайкерт<sup>13</sup> шкаласидан фойдаланиб, эксперт баҳолаш усули асосида таҳлил қилинган. Экспертларга берилган анкета сўровлари бир-бирига олдиндан таништирилмаган ҳолда «docs.google.com» электрон платформаси орқали саволларга жавоблар олинди. Ижтимоий сўровнома натижалари «SPSS statistics 22» пакет дастурлари асосида қайта ишланди.

<sup>12</sup> Ёшлар ишлари агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>13</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

Эксперт баҳолаш натижаларининг аҳамиятлилиги,  $p(\text{value})$ , Хи-квадрат ҳамда Фридман ва Кендалл конкордация коэффициентлари ( $W$ ) асосида текширилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Экспертларнинг раҳбар ходимлар самарадорлигига таъсир этувчи салбий омилларни танлаши, баҳолаши ва уларнинг асосланиши натижалари<sup>14</sup>

№	Омиллар	Ранг
1	Раҳбар салоҳиятининг пастлиги ( $X_1$ )	2,67
2	Етарли иш шароитининг мавжуд эмаслиги ( $X_2$ )	2,15
3	Қўшимча топшириқларнинг кўплиги ( $X_3$ )	4,40
4	Рағбатлантириш мавжуд эмаслиги ( $X_4$ )	3,41
5	Иш вақти меъёрларига амал қилинмаслиги ( $X_5$ )	2,37

Кузатув натижаларига кўра,  $p=0,000$  даражасида кузатувлар сони  $N=137$  ва  $df=4$  бўлганда,  $\chi^2\text{-квадрат} = 183,9$  ни қабул қилди ва  $\chi^2\text{-квадрат}_{(жадвал)}=9,5$  қийматидан юқори бўлиб, ҳар бир экспертнинг омиллар бўйича баҳолаш натижаларини модель учун қабул қилиш мумкинлигини кўрсатди (3-жадвал).

## 3-жадвал

### Эксперт баҳолаш натижалари аҳамиятлилигини текшириш бўйича Фридман ва $W$ Кендалл мезони тест натижалари<sup>15</sup>

	Фридман мезони	$W$ Кендалл мезони
Экспертлар сони	137	137
Хи-квадрат	183,927	183,927
$W$		0,336
$p(\text{value})$	0,000	0,000

Экспертлар баҳосининг ҳаққонийлиги даражасини текшириш учун ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар бўйича конкордация коэффициенти  $W=0,354$  ҳисоблаб чиқилди. Бу коэффициент экспертларнинг фикри қанчалик келишилганини кўрсатади. 3-жадвалга кўра,  $0 \leq W \leq 1$  эканлиги экспертларнинг фикрлари ўртасида келишув йўқлигини кўрсатди.

Экспертлар томонидан ташкилот раҳбар ходимлар самарадорлигига таъсир этувчи омиларнинг энг салбий таъсир этувчиси сифатида қўшимча топшириқлар кўп (4,40) эканлиги аниқланди. Бу эса, ташкилотнинг асосий стратегик мақсадларига эришиши ҳамда раҳбар ходимлар фаолият самарадорлигини пасайтиришга сабаб бўлмоқда. Раҳбар фаолияти самарадорлигига салбий таъсир этувчи рағбатлантириш мавжуд эмаслиги (3,41) ҳамда мос, равишда раҳбар салоҳиятининг пастлиги (3,35) омиллари эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларидан хулоса шуки, Ёшлар ишлари агентлиги раҳбар ходимлари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштиришда юқоридаги модель натижалари асосида аниқланган

<sup>14</sup> Анкета сўровнома натижалари таҳлили асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>15</sup> Анкета сўровнома натижалари таҳлили асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

салбий омилларни ҳисобга олган ҳолда янги замонавий баҳолаш услубларини жорий этиш орқали баҳолаш механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотчи томонидан Ёшлар ташкилотида раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий («360 даража», «Мақсадлар бўйича бошқариш»(МБО), «SMART» ҳамда «KPI») услубларидан фойдаланиш имкониятлари қиёсий таҳлил қилинди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Ташкилотда раҳбар ходимлар фаолият самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услублари қиёсий таҳлили<sup>16</sup>

№	Баҳолаш услуби	Мақсади	Баҳолаш иштирокчилари	Афзаллик жиҳатлари	Амалга ошириш босқичлари
1	«360 даража»	Раҳбар ходимнинг бевосита атрофидаги жамоа аъзолари билан боғлиқликда ривожланиш самарадорлигини баҳолаш	Юқори турувчи раҳбарлар, ҳамкасблар ва қўл остидаги ходимлар	Ходимлар ўртасидаги корпоратив алоқани мустаҳкамлаш	Баҳолаш мақсадини аниқлаш, анкетасини ишлаб чиқиш, тартибини белгилаш, натижаларни қайта ишлаш, қайтма алоқа
2	«Мақсадлар бўйича бошқариш» (Management by objectives – MBO)	Кунлик(ойлик, чораклик) иш вазифаларини бажариш орқали (жараёнга йўналтириш) натижага эришиш	Юқори бўғин раҳбарлари, ҳамкасблар ва ўз-ўзини баҳолаш	Мақсадларни тўғри шакллантириш ҳамда самарали амалга ошириш	Ташкилотнинг мақсадларини белгилаш, бўлим мақсадларини белгилаш, муҳокама қилиш, индивидуал мақсадларни шакллантириш, натижаларни баҳолаш ва қайтма алоқа
3	SMART S ( <i>specific</i> ) M ( <i>measurable</i> ) A ( <i>achievable</i> ) R ( <i>relevant</i> ) T ( <i>timebound</i> )	Ташкилот мақсадлари ва раҳбар ходимлар мақсадларини бирлаштириш	Юқори бўғин раҳбарлари ёки баҳолаш комиссияси	Эришиш қийин бироқ бажарилиши мумкин бўлган мақсадларни белгилаш	Ташкилотнинг мақсадларини белгилаш, раҳбар индивидуал мақсадларни шакллантириш, натижаларни баҳолаш ва қайтма алоқа
4	KPI ( <i>Key Performance Indicators</i> )	Раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятининг «энг муҳим самарадорлик кўрсаткич»ларини ишлаб чиқиш	Баҳолаш комиссияси	Белгиланган стратегик вазифалар ва мақсадларга эришишни таъминлаш	Баҳолаш лойиҳасини режалаштириш, баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш, жорий этиш, расмийлаштириш

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан тузилган.


Ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари ҳамда таҳлиллардан келиб чиқиб, Ёшлар ишлари агентлигида раҳбар ходимлар бошқарув фаолият самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш зарурияти мавжуд, КРІ услуги орқали баҳолашга раҳбар ходимлар юқори даражада тайёр, раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини КРІ услуги орқали баҳолаш юқори даражада самарали ҳамда КРІ услуги жорий этиш имкониятлари мавжуд эканлиги илмий асосланди.

Таҳлил натижаларига кўра, Ёшлар ишлари агентлиги раҳбар ходимлари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштиришда тадқиқот натижасида аниқланган салбий омилларни (кўшимча топшириқлар кўплиги, рағбатлантириш мавжуд эмаслиги, раҳбар салоҳиятининг пастлиги) ҳисобга олган ҳолда баҳолашда КРІ услуги жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда, раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятининг «энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари»ни ишлаб чиқиш орқали энг салбий омилларни бартараф этиш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, баҳолаш механизмининг таъсирчанлигини оширишга, баҳолаш натижаларига асосланиб, муносиб рағбатлантириш орқали раҳбар ходимлар ўртасида рақобатни шакллантиришга хизмат қилади. Натижаларни муносиб рағбатлантириш ва рақобат муҳити уларни ўз устида ишлашига мотив вазифасини бажаради. Бу эса, раҳбар ходимлар самарадорлиги ва салоҳиятининг ошишига олиб келади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган бўлиб, мазкур бобда бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштиришда рақамли технологиялар имкониятидан фойдаланиш орқали баҳолаш механизми шаффофлигини таъминлашга эришиш, раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб борилган. Шунингдек, раҳбар ходимлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Агентлик раҳбар ходимлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг 70 фоиздан ортиғи уларнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш механизмининг адолатли ҳамда шаффофлигини таъминлаш, яъни баҳолаш жараёнида инсон омилини камайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтган.

Тадқиқотчи томонидан ташкилот раҳбар ходимлари бошқарув фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолаш орқали баҳолаш механизмини такомиллаштиришнинг рақамлаштириш модели йўналишлари ишлаб чиқилган (4-расм).



